

ЎЗБЕКИСТОН БАДИИЙ АКАДЕМИЯСИ  
САНЪАТШУНОСЛИК ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ

---

*Қўлёзма ҳуқуқида*  
УДК: 73.027

Пўлатов Дилмурод Саймамутович

ЎЗБЕКИСТОН ЗАМОНАВИЙ ҲАЙКАЛТАРОШЛИГИНИНГ  
РИВОЖЛАНИШ ТАМОЙИЛЛАРИ

17.00.04 – “Тасвирий ва амалий безак санъати”

санъатшунослик номзоди илмий даражасини  
олиш учун тақдим этилган диссертация

АВТОРЕФЕРАТИ

ТОШКЕНТ - 2008

Диссертация Ўзбекистон Бадий академияси Санъатшунослик  
илмий-тадқиқот институти “Тасвирий санъат” бўлимида бажарилган

|                            |                                                                                                                    |
|----------------------------|--------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|
| <b>Илмий раҳбар:</b>       | санъатшунослик доктори,<br>профессор, Ҳакимов<br>Акбар Абдуллаевич                                                 |
| <b>Расмий оппонентлар:</b> | санъатшунослик доктори,<br>Акилова Камола Балтабаевна<br><br>санъатшунослик номзоди,<br>Шаякубов Шахалил Каримович |
| <b>Етакчи ташкилот:</b>    | Камолиддин Беҳзод номидаги<br>Миллий рассомлик ва дизайн<br>институти                                              |

Ҳимоя \_\_\_\_\_ йил “ \_\_\_\_\_ ” \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_\_ да Ўзбекистон  
Бадий академияси Санъатшунослик илмий–тадқиқот институти ҳузуридаги  
Д.092.11.01 рақамли Бирлашган Ихтисослашган кенгаш мажлисида  
ўтказилади.

Манзил: 100029, Тошкент, Мустақиллик майдони, 2.

Диссертация билан Санъатшунослик илмий–тадқиқот институти  
кутубхонасида танишиш мумкин.

Манзил: 100029, Тошкент, Мустақиллик майдони, 2.

Автореферат \_\_\_\_\_ йил “ \_\_\_\_\_ ” \_\_\_\_\_ да тарқатилган

Бирлашган Ихтисослашган  
кенгаш котиби,  
санъатшунослик номзоди

М. В. Исраилов

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ

**Мавзунинг долзарблиги.** Ўзбекистонда 1990-йиллардан бошланган янги тарихий даврда бошқа санъат турлари қатори ҳайкалтарошлик ҳам эътиборга сазовор ижодий ўзгаришларга юз тутди. Янги маданий сиёсат ўлароқ мамлакатда соғлом маънавий муҳитни шакллантириш, миллий анъаналарни тиклаш, тарихий-маданий ўзлигимизни англаш масалалари устувор аҳамият касб этди ва бунинг пировардида мазкур жабҳада ғоявий-шаклий янгиланиш жараёни вужудга келди, олдинги ижодий ёндошувлардан фарқ қилувчи янги сифат босқичига йўл очилди.

Чунончи, эндиликда ижодий вазифалар йўналиши кескин ўзгариб, бадиий талқин ва пластик ечим услублари ҳам янги маънавий муҳитга хос йўсинда кўзга ташланмоқда. Бу ўз навбатида Ўзбекистон ҳайкалтарошлигини бундан 20-30-йиллар олдинги жараёнидан фарқли равишда халқчил даражада ривожланаётганини англатади. Демакки, мазкур вазиятда соҳанинг ўн олти йиллик ўзига хос янги тамойиллари шаклланиб, санъатшуносликда илмий эътиборли тадқиқот мавзуи сифатида намоён бўлди. Шунга кўра уни долзарб тадқиқот йўналишлари сирасида ўрганилишини давр тақозо этмоқда.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** 1970-80-йиллар Ўзбекистон ҳайкалтарошлиги санъатшунос олимлар Р.Тоқтош, А.Ҳакимов, Э.Хўжаева, Г.Бобожонова, И.Умаровалар томонидан ўрганилган. Хусусан, бу ўринда Санъатшунослик илмий тадқиқот институти (СИТИ) архивида сақланаётган Р.Тоқтошнинг “Станковая скульптура Узбекистана 1960-1980-х годов”, “Художественные процессы в изобразительном искусстве Узбекистана 1980 годы (живопись, скульптура)”, Г.Бобожонованинг “Синтез искусств на современном этапе (тенденции и развитие)”, “Увековечивая память павших”, “Поиски своеобразия в 1970-80-е годы” ҳамда А.Ҳакимовнинг “Современная декоративная пластика республик Средней Азии” номли тадқиқотларини мисол келтириш мумкин.

Б.Бобожонова олдинги даврда ўрнатилган улуғ ватан уруши курбонлари ҳайкалларининг бадиий салмоғини тадқиқ этар экан, савияли ёдгорликлар билан бирга, ижодий муаммоларга ҳам алоҳида эътибор қаратади. Республикамизнинг Бухоро, Хоразм, Фарғона вилоятларидаги айрим ҳайкалларда маъно ечими тўлиқ очиб берилмаганлиги, материалларни ҳам образ уйғунлигига мос равишда танланмаганлигини баён этади<sup>1</sup>. Р.Тоқтош Ўзбекистон ҳайкалтарошлигининг 1970-80-йилларига хос ижодий жараёни хусусида сўз юритиб, “1930-40-йиллардаги шаклланиш ҳолатидан чиқиб олганини ҳамда ўзбек тасвирий санъатининг муҳим соҳасига айланганлигини”<sup>2</sup> таъкидлайди. Р.Тоқтош фикрига таяниб, 1950-йилларгача

<sup>1</sup> Бобожонова Г. Ватанпарварлик ва жасорат тимсоли // Совет Ўзбекистони санъати. Тошкент, 1985. -№5. –Б. 16.

<sup>2</sup> Р.Тоқтош. Республика иккинчи ҳайкалтарошлик кўргазмаси: изланишлар, самаралар // Совет Ўзбекистони санъати. – Тошкент, 1979. - №7. – Б. 6-7.

бўлган оралиқни шаклланиш даври, 1970-йиллардан кейинги жараёнларни эса ривожланиш босқичи сифатида тасниф этишимиз бир қадар асосли бўлади.

1970-80-йиллар ҳайкалтарошлигига оид аксарият адабиётларда кўпроқ касбий маҳорат ва техник тажриба бўйича эришилган натижалар ёритилган. Бироқ, унинг соцреализм мезони асосига қурилган “иждодий ёндошув” томони ҳам борки, янги давр бадиий танқидчилиги бу ҳолни миллий мафкура кесимида баҳолашга ундайди. Чунончи, ўша кезлардаги тарихий мавзули баъзи ҳайкалларда (“Мирзо Улуғбек” Самарқанд, 1972 йил, “Алишер Навоий” Тошкент, 1961 йил, “Ал-Хоразмий” Хоразм, 1975 йил ва б) миллий ғурур ва ифтихор талқинига жиддий урғу берилмаганлиги кўзга ташланади. Шу маънода олдинги манбалардаги баҳолаш мезонини ҳар томонлама мукаммал дейин, қийин.

Ўзбекистон ҳайкалтарошлигининг 1990-йилдан кейинги даври бўйича айрим мақолалардан ташқари китоб ёки рисоалар нашр этилмаган. Натижада 2001-йилга қадар соҳага оид айрим маълумотларни вақтли матбуотларда эълон қилинган хабарнома шаклидаги мақолалар<sup>3</sup> ҳамда оммавий ахборот воситаларида бериб борилган лавҳалар орқалигина олиш имкони бўлган. 2001-йили чоп этилган “Ўзбекистон санъати (1991-2001 йиллар)” номли барча санъат жабҳаларига бағишланган илмий тўпламда ҳайкалтарошлик ҳам бир мунча кенгроқ ёритилди.<sup>4</sup> Бироқ, китобнинг жанр талабларига кўра унинг иждодий жараёни қисман эълон қилинди. Бу даврда яратилган “Алишер Навоий”, “Амир Темур”, “Мирзо Улуғбек”, “Мирзо Бобур”, “Ал-Фарғоний”, “Жалолиддин Мангуберди”, “Алпомиш” каби энг йирик маҳобатли ҳайкалларнинг бадиий ифодаси, ғоявий мазмуни баён этилди. Янги иждодий тамойил ва ёндошувлар, касбий-бадиий масалалар каби ривожланиш омиллари эса эътибордан ҳоли қолди. Агар 1990-йиллар ҳайкалтарошлиги бўйича илмий таҳлилий тадқиқотлар, махсус диссертация, китоб ёки рисоаларнинг учрамаслигини назарда тутсак, танланган мавзу нечоғлик аҳамиятли эканлиги янада аён бўлади.

**Диссертация ишининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Мазкур мавзунинг маълум жиҳатлари Республикамизда амалга оширилаётган амалий тадқиқотлар доирасида, хусусан СИТИда бажарилаётган А-2-096 рақамли грантда ҳам режали равишда тадқиқ этилмоқда. Шунингдек, Ўзбекистон санъати бўйича ёзилиши лозим бўлган тўплам китобларда ҳам ўрин тутиши мумкин.

---

<sup>3</sup> “Тошга муҳрланган хотира” Халқ сўзи, 2001 й., №85 (2647). “Юртга қайтган соҳибқироним” Халқ сўзи, 2001 й., 6 июн. “9 май – хотира ва қадрлаш куни” халқ сўзи, 2001 й., 5 май. “Буюк саркардага эҳтиром” Халқ сўзи, 2001 й. Р.Тоқтош. “В мраморе и бронзе”, Правда востока, 1999 й., 6 октябр, №190. А.Эгамбердиев. “Ёш рассомлар иждодиға назар”, Тасвир, 2003 й., 20 март, №12. М.Нажимова. “Қадр – қиммат олий неъмат”, Халқ сўзи, 2001 й., 12 май, №93 ва б.

<sup>4</sup> Китобнинг “Ҳайкалтарошлик” бўлими А.Умаров томонидан ёзилган, шунингдек диссертация муаллифининг ҳам маълумотлари ва фикр-мулоҳазаларидан фойдаланилган.

**Тадқиқот мақсади.** Ўзбекистон замонавий ҳайкалтарошлиги ривожининг бош тамойилларини белгилаш ва ижодий муамоларини ўрганиш тадқиқотнинг асосий мақсадидир.

**Тадқиқот вазифалари:**

- ҳайкалтарошликнинг шаклланиш ва ривожланиш тамойилларини тизимлаштириш;
- 1990-йиллар ҳайкалтарошлигининг янги ижодий босқичини асослаш;
- Ўзбекистон ҳайкалтарошлигининг ўтиш даврига хос ривожланиш хусусиятларини ёритиш;
- ижодий жараёнда шаклланган янги тамойилларни асослаш;
- 1990-йиллардаги маҳобатли ҳайкалларнинг бадиий-услубий ҳамда композицион салмоғини ёритиш;
- янги босқич ривожига кузатилган ижодий муаммоларни белгилаш;
- замонавий дастгоҳли ҳайкалтарошликнинг устувор тамойилларини аниқлаш;
- дастгоҳли ҳайкалтарошликда шаклланаётган янги йўналишларни тавсифлаш.

**Тадқиқот объекти ва предмети.** Ўзбекистон ҳайкалтарошлигининг 1990-йиллар тарихий шароитида воқе бўлган янги ижодий тамойиллари тадқиқот объектидир. Ҳозирга қадар илмий тавсиф этилмаган, бадиий қиймати санъатшунослик кесимида баҳоланмаган 1990-йиллар маҳобатли пластик ёдгорликлари, кўргазмаларда намоиш этилаётган ҳайкаллар ҳамда ижодкорлар устахонасида сақланаётган бошқа намуналар тадқиқот предмети ҳисобланади.

**Тадқиқот методлари.** 1990-йилларда Ўзбекистон ҳудудида ўрнатилган ҳайкаллар миллий мафкура мезони асосида баҳоланди ҳамда тасвирий санъат назариётида шаклланган тизимли ёндошув услубида тадқиқ қилинди.

**Ҳимояга олиб чиқиляётган асосий ҳолатлар:**

- 1950-80-йиллар ижодий ривожланишининг асосий жиҳатлари: маҳоратли маҳаллий ҳайкалтарошларнинг етишиб чиқиши билан дастгоҳли ҳайкалтарошликда реалистик анъаналарга таянган миллий мактаб йўналишининг шаклланиши;  
1950-60-йиллар комунистик мафкурасининг миллий ривожланишга салбий таъсири;  
1970-80-йилларда ижодий тажриба ва пластик кашфиётлар доирасининг кенгайиши.
- 1990-йилларни Ўзбекистон ҳайкалтарошлиги тарихида янги ижодий босқич сифатида белгиланиши.

- Давлат мустақиллигининг ҳайкалтарошликда юзага келтирган ижодий ўзгаришлари:

миллий ҳайкалтарошлик мавқеъини мустаҳкамлаш босқичига йўл очиши ва устувор даражага эришиши;

умумжаҳон ва миллий кадриятлар уйғунлигида ижод қилишнинг замонавий ҳайкалтарошлик дастурига айланиши.

- Ҳайкалтарошликнинг ўтиш даври шароитидаги ривожланиш салмоғини ўрганилиши.

**Илмий янгилиги.** Ўзбекистон ҳайкалтарошлигининг 1950-80-йиллар ижодий жараёни соҳанинг асос пойдевори сифатида кўриб чиқилди. Санъатшуносликда мурожаат этилмаган 1990-йиллардан бошланган ижодий жараён илк бор ўрганилиб, миллий мактабини ривожлантириш борасида шаклланган янги босқичи тадқиқ этилди. Бу борада:

- аввалги ижодий жараёнлар ҳозирги даврга қиёсий ўрганилиб, янги босқичнинг соҳа ривожига аҳамияти асослаб берилди.

- маҳобатли ҳайкалларда сезилаётган миллий ижодий ёндошувлар тавсифланди;

- маҳобатли ҳайкалтарошлик асарларининг ижодий тамойиллари белгиланиб, бадиий маҳорат даражаси таҳлил қилинди, мавжуд муаммолари ёритилди;

- дастгоҳли ҳайкалтарошлик бўйича биринчи ўн йилликда реалистик услубий ёндошувдан ташқари, бўрттирма даражали ва назмий пластикали ёндошувлар шакллангани изоҳланди.

- 1990-йиллар охиридан кузатилган янги йўналишли ижодий ёндошувларнинг замонавий ҳайкалтарошлик мавқеъини оширишдаги аҳамияти кўрсатиб берилди.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Диссертацияда эришилган натижалар Ўзбекистон тасвирий санъати тарихидаги ҳайкалтарошлик ўрнини кенгайтириб, янги давр нигоҳи билан белгилаш, назарий масалаларини тушиниш ҳамда келгусида олиб бориладиган тадқиқотлар манбаи ўлароқ илмий аҳамиятга эгадир. Бундан ташқари, махсус ўқув юртларида, шунингдек соҳа мутахассислари ижодларида амалий фойдаланиш мумкин.

**Натижаларнинг жорий қилиниши.** Илмий ишнинг ғоявий мазмуни аспирантура таҳсили давомида иштирок этилган илмий-амалий анжуманларда жамоатчилик эътиборига ҳавола этилди, ҳамда махсус илмий тўплам ва журналларда эътироф этилди. Шу билан бирга, Ўзбекистон Телерадиокомпанияси дастурларидаги чиқишлар (Ёшлар дастури 2002 й., Пойтахт радиоси 2003 й) орқали ҳам кенг оммага бир қадар маълум қилинди.

**Ишнинг синовдан ўтиши.** Мазкур тадқиқот санъатшунослик илмий-тадқиқот институтининг “Тасвирий санъат” ва “Амалий безак санъати” бўлимларида муҳокама қилиниб, ҳимояга тавсия этилган. Шунингдек,

Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетининг “Санъат” факультетида илмий семинардан ўтган.

**Натижаларнинг эълон қилинганлиги.** Тадқиқоднинг асосий йўналишлари махсус рисолада (Наманган, 2000), каталогда (2007) ҳамда “SAN’AT” (2002/2, 2003/3, 2003/4), “Гулистон” (2004/2), “Ижтимоий фикр. Инсон ҳуқуқлари” (2005/1) журналларида, турли анжуман маърузаларининг тезисларида ўз аксини топган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, учта боб, хулоса, адабиётлар рўйхатидан ташкил топган бўлиб, умумий ҳажми 153 бетдан иборат.

## **ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ**

Диссертациянинг кириш қисмида тадқиқотнинг долзарблиги, мақсад-вазифалари, илмий-амалий аҳамияти ва янгилиги, ҳимояга олиб чиқиладиган асосий ҳолатлар каби масалалар эътироф этилган.

Диссертациянинг биринчи боби **“1950-80-ЙИЛЛАР ЎЗБЕКИСТОН ҲАЙКАЛТАРОШЛИГИ РИВОЖИ”** деб номланган бўлиб, XX аср иккинчи ярмининг 90-йилларигача дастгоҳли ва маҳобатли ҳайкалтарошликда кечган ижодий жараён тамойиллари умумий таркибда ўрганилган. 1950-йилларгача бўлган маҳаллий шароитга мослашув даври қисман баён этилган. Чунончи, халқимизнинг анъанавий санъат оламига муқобил бўлган ҳайкалтарошлик янги маконда қизғин ижодий рағбатнинг уйғотиши кўп йиллик даврий кўникма талаб этди. Бу ҳол иккинчи жаҳон урушидан кейинги йилларда ҳам давом этди. Қачонки, 1950-60-йиллардан шўролар тузуми маданий-мафкуравий тарғиботининг янада чуқурлашиши пировардида унга ҳам муносабат ўзгариб, ижодий фаоллиги орта бошлади. Тез орада Абдумўмин Бойматов, Анвар Аҳмедов, Мухтор Мусабоев, Асилбек Тоиров ва бошқа ўзбек ҳайкалтарошлари етишиб чиқди.

1960-йиллар ўрталарида маҳоратли ёш ҳайкалтарошларнинг катта ижодий куч сифатида пайдо бўлиши ривожланишга жиддий таъсир ўтказди. Тажрибали мутахассисларнинг кўпайиши муҳим ижодий босқични вужудга келтириб, уни тасвирий санъатнинг фаол соҳасига айлантirdи. Ҳайкалтарошликни рус ижодкорлари томонидан олиб кирилганлиги боис, унинг бадиий-ижодий йўналишлари негизи европа тасвирий санъати анъаналари билан муштарак бўлди, бироқ, шаклланиши учун сарфланган кўп йиллик даврий босқичлар мобайнида миллий жиҳатдан ҳам сайқалланиб, муносиб равишда ўзлаштириб борилди.

Диссертацияда 1970-1980-йиллар ижодий ривожланишининг муҳим омиллари сифатида ижодий рағбатлантириш ва куч-имкониятларининг кенгайиши каби алоҳида қайд қилинди:

– ижодий рағбатлантирувчи омил ҳайкалтарошликка эътиборнинг ортиши натижасида ижодкорлар учун янги шарт-шароитлар яратилиши

билан боғлиқдир. Бу борада “Ўзбек ҳайкалтарошлиги тарихида биринчи бор (тасвирий санъатнинг бошқа турларининг иштирокисиз) дастгоҳли ҳайкалтарошлик кўргазмалари ўтказилиб, уларнинг муҳокамаси бўйича махсус анжуманлар ташкил этилган”<sup>5</sup> лигини мисол тариқасида таъкидлаш мумкин;

– ижодий куч ва имкониятлар доирасининг янада кенгайиши ҳам соҳа ривожига зарур омил ўлароқ эътироф этилиши мумкин. Зеро, Ўзбекистон ҳайкалтарошлиги 1970-80-йилларда кучли ижодий қувват таъминотига эга бўлди. Россия бадиий олигоҳларини тамомлаган ўнлаб, Тошкент бадиий таълимида тарбияланган кўплаб тажрибали ёшлар ҳисобига ижодий куч имконияти кескин ортди.

1970-80-йиллар Ўзбекистон ҳайкалтарошлиги услубий йўналишларини белгилашда мутахассислар томонидан икки қисмга бўлиб изоҳланган “анъанавий-реалистик ва замонавий янги ёндошувлар” асос қилиб олинди.

Анъанавий реалистик йўналиш кенг қамровли бўлиб, портрет, тўлиқ ва кўп фигурали ёндошувларни ўз ичига олиши аниқланиб, уларнинг ҳар бирига хос бадиий-услубий характери намунавий мисоллар ёрдамида очиқ берилди. 1980-йиллардан малакали ҳайкалтарошлараро кучли ижодий рақобат майдони юзага келиб, ижодкорлар янгича пластик талқин асосида ўз дасхатини яратишга интилдилар, портретчилик ёки бошқа анъанавий мезонлардан йироқлашиб, тасвирий объект доирасини кенгайтирдилар. Бинобарин, бу услубий ранг-барангликни таъминлаш билан бирга, 1950-1960-йилларга хос бир ёқлама ривожланиш тартибининг бузилиши ва серхаракат пластик ривожланиш босқичига йўл очилганлигини кўрсатади. Нарса ва ҳодисалар моҳиятига янги нигоҳ билан қараш, академик ёндошувдан ташқи оламда мавжуд бўлган тасвирий ифода йўллариини излаш, ҳаётий кўринишдан четлашиб, ишорали, кинояли шаклларга кенгрок мурожаат этиш ҳоллари кузатила бошланди.

XX асрнинг иккинчи ярмидан то 1990-йилларгача бўлган маҳобатли ҳайкаллар икки турга ажратилди: биринчиси – Россиялик ҳайкалтарошлар В.Дитрих, М.Манизер, П.Бондаренко, М.Габе, В.Богатирев ва Д.Рябичевлар ижодига мансуб собиқ иттифоқ “даҳолари” ҳайкалларида ташкил топган. Бу ёдгорликлар гарчанд кўп сонли ҳамда бадиий пухта бўлса-да, бироқ миллий муҳит учун бегона образларни ифодалайди. Иккинчиси – маҳаллий ҳайкалтарошларнинг фигурали, амалий безакли ва боғ-ҳиёбон ҳайкаллари эса асосий ривожланиш мезонини белгилайди. Хусусан, миллий ҳайкалтарошликка даҳлдор тарихий шахслар образининг бадиий талқинида ҳолисона ёндошув сезилмаслигидан ташқари, марказий майдонларга ўрнатилиши ҳам кузатилмайди. Улар одатда жамоа муассасалари ичига ўрнатилиб, бадиий пластик жиҳатдан мунгли қиёфадорлиги билан ажралиб туради. Мамлакатнинг диққатга сазовор жойларига (сиёсий майдонлар, шох

---

<sup>5</sup> Р.Такташ. Станковая скульптура Узбекистана 1960-1980-х годов. – Ташкент, 1989. - №1339. - С. 296.

кўчалар ва б.) шўролар жамиятини мадҳ этувчи ва унинг йўлбошчиларини улуғловчи ҳайкалларни қўйиш бирламчи ўрин эгаллаган.

1970-80-йиллар маҳобатли ҳайкалтарошлигидаги иккинчи жаҳон уруши қурбонларига аталган ҳайкаллар ечимида маълум муаммолар ҳам юзага келди. Масалан, ушбу мавзуга ҳаддан зиёд эҳтиёж ортиши ва назорати бўйича жиддий чоралар кўрилмаганлиги оқибатида касбий ихтисосликдан йироқ бўлган хаваскорлар томонидан бажарилган савиясиз юзлаб йирик, минглаб ўрта ўлчамли ёдгорликлар кенг ёйилган.

1970-йиллардан шаҳарсозлик ва меъморликнинг замонавий қиёфа касб этиши маҳобатли-безакли ҳайкалтарошлик ривожини янада оширди. Интерьер ва фасадларини бўртма тасвирлар билан зийнатлашга мойил қурилиш биноларининг кўпайиши безакли соҳага талабни ортирди, рельефли ҳайкалтарошлик ҳам ўзига хос тезликда ривожланди.

1980-йиллар охиридан ноанъанавий бадиий кулолчилик замонавий кўламда ривожланиши натижасида шаҳар муҳити билан ҳайкалтарошликнинг бадиий уйғунлиги янги босқичга кўтарилди. Эндиликда пластик санъат мафкуравий таъсир кучларидан бир қадар ҳоли бўлиб, шаҳар муҳитининг бадиий нафосатига хизмат қилиши сезилди. Тошкентда мазкур йўналиш бўйича боғ-ҳиёбон кулолчилиги симпозиумлари ташкил этилди, айниқса, унинг 1990-йилда ўтказилгани замонавий пластик санъати оламида муҳим воқеа бўлди. Чунки, ушбу симпозиум намуналари шаҳар марказида барпо этилган бадиий кулолчилик боғига ўрнатилиб, атроф муҳит билан ўзига хос уйғунликни вужудга келтирди. “Кулолчилик боғининг композицияларида эмоционал-образли ифодаларнинг ғоят кенг спектри берилган – бу ерда шоирона-романтик, фалсафий эътиборчан оҳанглардан тортиб то драматик, баъзан эса кинояли-пародияли ифодаларгача учрайди”<sup>6</sup>.

Аввалги босқич ҳайкалтарошлигининг ижодий ривожланиши юзасидан қуйидаги хулосаларни чиқариш мумкин:

- 1950-йиллар охири 60-йиллардан ижодий куч имкониятларининг таъминланиши натижасида ривожланиш жараёни зухур эта бошлади.
- Дастгоҳли ҳайкалтарошликда реализм тамойили устувор бўлиб, портрет ва тўлиқ фигурали асарлар яратиш асосий ўрин эгаллади.
- Маҳобатли ҳайкалтарошликда икки гуруҳ асарлар бунёд қилинди: биринчиси рус ижодкорлари томонидан яратилган ёд мафкуравий ёдгорликлар; иккинчиси миллий мавзули асарлар. Биринчи тур ҳайкаллар қанчалик бадиий мукамал ва маҳобатли бичимга эга бўлмасин, миллий ҳайкалтарошлик ривожига таъсири сезилмади. Иккинчи тур ёдгорликлар кам сонли бўлиши ва бадиий ижросининг ҳам бир қадар сустлигига қарамай, миллий ҳайкалтарошликнинг дастлабки натижалари кесимида ўз қийматига эга бўлди.

---

<sup>6</sup> Хакимов А. Боғ-парк кулолчилиги бўйича Тошкентда ўтказилган Халқаро симпозиум ҳақида мулоҳазалар // Санъат. – Тошкент, 1991. - №2. - Б. 17.

- 1970-йиллардан ҳайкалтарошлик ривожланиш босқичига эришди. Бироқ, ижодий жараёнга хос натижаларни бугунги кун нуқтаи назаридан икки ўлчамда баҳоланиши лозим кўринади. Биринчиси – соҳада юқори касбий малака ва техник ёндошув пухта ўзлаштирилди. Иккинчиси – собиқ мафкуравий ёндошув ҳукмронлиги ҳайкалтарошликнинг ғоявий пластик ечимини ўз тасарруфига олгани боис, 1970-80-йилларда ҳайкалтарошлик етарли имкониятларга эга бўлгани ҳолда, миллий мавқеъини мустаҳкамлашга улгурмади.

- Дастгоҳли турида реализм, импрессионизм, классицизм ҳамда янги йўналишларга мурожаат этиш кузатилди. Масалан, портрет ва тўлиқ фигурали асарлар кўпроқ реализм, айрим ҳолларда эса импрессионизм йўналишида амалга оширилди. 1980-йиллардан мавзули ҳайкалларнинг мавҳум композицияли асосда ижод қилиниши фаоллашди.

- Маҳобатли турида иккинчи жаҳон уруши қурбонларига ҳайкаллар ўрнатишнинг кенг тус олиши пировардида мемориал жанр тезлик билан ривожланди.

- 1970-80-йилларда Ўзбекистон ҳайкалтарошлиги касбий маҳорат ва малакавий тажрибаларни қўлга киритиб, дастлабки миллий ривожланиш пойдеворини шакллантириш даври босиб ўтилди.

Диссертациянинг иккинчи боби **“МУСТАҚИЛЛИК ДАВРИ МАҲОБАТЛИ ҲАЙКАЛТАРОШЛИГИ ИЖОДИЙ ТАМОЙИЛЛАРИ”**ни тадқиқ этишдан иборат бўлиб, дастлаб янги мафкуравий шароитнинг маҳобатли ҳайкалтарошликдаги аҳамияти ёритилган. Зеро, миллий мустақиллик ўлароқ ҳайкалтарошликда жиддий ўзгаришлар рўй берди. Хусусан, аввалги ғоявий-услубий ёндошувлар ва кўпмиллатли халқлар санъати асоратларига барҳам берилди, уни маҳаллий таркибда ривожлантириш вазифалари давр талабига айланиб, миллий ҳайкалтарошлик мавқеъини мустаҳкамлаш босқичи юзага келтирилди.

Мазкур босқичда буюк сиймолар шахсини шарафлаш, шаҳидлар номини хотирлаш ҳамда рамзий композицияли ижодий тамойиллар шаклланди. Хусусан:

– Буюк сиймолар шахсини шарафлаш тамойили тарихий жанрли барча ҳайкаллар учун хос бўлиб, образлар тавсифига кўра турли характерга эга бўлди. Масалан, саркардалар образи – мардонавор қиёфали ва реалистик ифодали, аллома ҳукмдорлар образи эса комил шахс сиймоли ва мумтоз ифодали кўринишда бажарилди. Бу борада Амир Темурнинг 1993-йили Тошкентда ўрнатилган ҳайкали нафақат саркардавор кўринишда ифодаланди, балки адолат ва бунёдкорлик тимсоли сифатида ҳам қад кўтарди. Шунингдек, мазкур тамойил бўйича 1996-йили Самарқанд, Шаҳрисабз ва Қаршида “Амир Темур” ёдгорликлари, 1999-йили Урганчда “Жалолиддин Мангуберди”, 1999-йили Термизда “Алпомиш” ёдгорликлари бунёд этилди.

Хукмдор алломаларга аталган “Мирзо Улуғбек” (Тошкент, А.Раҳматуллаев, Л.Рябцев, 1994 й), “Алишер Навоий” (Тошкент, Э.Алиев, Н.Бандзеладзе, В.Дегтяров), “Мирзо Бобур” (Андижон, Ж.Миртожиев, 1993 й), “Мирзо Бобур” (Наманган, М. Раҳмонбердиев, 1999 й), “Абулғозийхон” (Урганч, Ш.Усмонов, 1994 й) каби ҳайкалларнинг ижодий ёндошувлари бошқа асарлардан кўра эътиборлидир. Жумладан, бу ёдгорликлар орасида меъморий қурилмалар остига ўрнатилганлари ҳам борки, улар – гумбазли, ярим айланасимон ва равоқли воситалардан иборат янги услубда қад кўтарди. Масалан, гумбазли туркумга – “Алишер Навоий” (Тошкент, 1991 й), “Ал-Фарғоний” (Кува, 1998 й), “Шаҳидлар хиёбони” (Тошкент, 2000 й); ярим айланасимон туркумга – “Ал-Фарғоний” (Фарғона, 1998 й), “Мотамсаро она” (Нукус, 1999 й); равоқли туркумга “Огаҳий” (Урганч, 1996 й), “Мотамсаро она” (Андижон, 2001 й), “Мотамсаро она” (Жиззах, 1999 й) ҳайкаллари киради.

– Шаҳидлар номини хотирлаш тамойили ўзининг услубий-ифодавийлигига кўра юқоридаги ҳайкаллардан фарқли равишда руҳий истиробга учраган, ғам-ғуссага чўмган ва жабру-ситам остида қийналган шахслар образидан ташкил топган. Улар собиқ тузум даврида ноҳақ айбланиб, шаҳид этилган – Абдулла Қодирий, Абдулҳамид Чўлпон, Абдурауф Фитрат каби адибларимиз номини хотирлаш мақсадида ўрнатилган. Мазкур ёдгорликлар ишланиш услуби ва мақсад-вазифасига кўра мемориал ҳайкалтарошликка мансубдир.

– Рамзий композицияли тамойилда янги даврнинг ғоявий-мафкурасини ифодаловчи рамзий ёдгорликлар ижод қилинди. Бунга Мустақиллик майдонидаги “Мустақиллик ва эзгулик арки” (меъмор Р. Турсунов), Давлат ва жамият қурилиш академияси ҳовлисидаги “Озодлик” (У.Мардиев, мис) ҳамда Республиканинг айрим вилоят ва туман (Тошкент, Самарқанд, Наманган, Қўқон ва б)ларига ўрнатилган “Хумо куши” асарларини мисол келтириш мумкин.

Юқорида қайд этилган тамойиллар ва улар доирасида юзага келган янги ёндошувлар шаҳар муҳитининг миллий тароватини таъминлашда аҳамияти катта. Ҳайкалларни марказий майдонларга ўрнатилиши минглаб томошабинлар қалбида миллий ифтихор туйғусини уйғотиб, ўтмиш аجدодларимизга эҳтиром фазилатини мустаҳкамлайди. Маҳобатли ҳайкалларнинг шаҳар муҳити билан бадий муносабати буюк аجدодлар шахсини шарафлаш тамойилига мансуб ёдгорликларда айниқса уйғунлик касб этади.

Шунингдек, 1990-йиллар Ўзбекистон маҳобатли ҳайкалтарошлигида ижодий куч-имкониятларининг маълум даражада қисқариши билан боғлиқ айрим мураккабликлар ҳам кузатилади. Хусусан, 1980-йиллар охиридан кўплаб маҳоратли ҳайкалтарошларнинг бошқа мамлакатларга кўчиб кетиши ҳамда 1990-йилларда катта авлодлар ижодий кучдан қолиши ва янги

авлодлар етарли тажриба тўплаб улгурмаганлиги пировардида, ижодий ишлаб чиқариш имконияти сезиларли даражада қискарди. Айни пайтда эса янги даврнинг мафкуравий ғояларини маҳобатли ҳайкаллар ифодасида маҳорат билан тасвирлаш борасида катта эҳтиёж пайдо бўлгани ҳолда, мавжуд ижодий куч-имкониятлардан фойдаланиш талаб этилди. Шунингдек, яна, қуйидаги касбий-ижодий муаммоларни ҳам эътироф этиш мумкин:

– Тарихий шахслардан иборат айрим ҳайкаллар орасида анъанавий тус олган тик кўринишли намуналар ҳам учрайди. Шу боис, ижодкорлар ноанъанавий композицион шакли-шамойиллар борасида ҳам жиддийроқ изланишлари, бетакрор услубий ёндошувларни кашф этишлари лозим кўринмоқда. 1990-йиллар маҳобатли ҳайкалтарошлигида “Она ва бола”, “Мотамсаро она” каби мавзулар бир-бирини услубий жиҳатдан такрорлайди. Уларнинг умумий ифодасида Тошкентдаги “Мотамсаро она” ҳайкалига тақлидий ёндошув яққол сезилиб туради.

Маҳобатли ҳайкалтарошликда 1990-йиллардан бошланган янги ижодий босқич бўйича қуйидаги хулосага келиш мумкин:

- 1990-йилларда Ўзбекистон маҳобатли ҳайкалтарошлиги жамиятнинг янги таркибдаги ислохотларига мувофиқ ривожланиши натижасида миллий мавқеъи мустаҳкамлана бошланди.

- Қисқа тарихий давр мобайнида буюк аждодлар шахсини шарафлаш, шаҳидлар номини хотирлаш ҳамда рамзий композицияли тамойилларда ўзига хос миллий мактаб тажрибаси тўпланди.

- Илмий ишда белгиланган янги ижодий босқичнинг амалий натижалари дастлабки ҳаракат нуқтаи назаридан ижобий баҳоланиши мумкин. Эндиликда эса жамиятнинг босқичма-босқич давом этаётган ривожий тамойиллари билан ҳамоҳанг тарзда ўз самарадорлигини ошириб бориши долзарб масала сифатида белгиланади.

- 1991-2005-йиллар Ўзбекистон маҳобатли ҳайкалтарошлигининг миллий ривожланиш босқичида дастлабки ижодий пойдевор шаклланди. Истиқболда унинг профессионал салмоғини янги авлод ҳайкалтарошлари томонидан мустаҳкамланиши лозимдир.

Тадқиқотнинг **“1991-2005-ЙИЛЛАР ДАСТГОҲЛИ ҲАЙКАЛТАРОШЛИГИНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ”** номли учинчи бобида замонавий дастгоҳли ҳайкалтарошликнинг ўтиш даври шароитида бир қадар мураккаб кечган ижодий ривожланиш жараёни тадқиқ этилган. Хусусан, унда мазкур соҳа умумий ҳолатда икки даврга ажратиб, ўрганилди. 1). 1990-1996-йиллар. 2) 1997-2005-йиллар.

Биринчи даврда анъанавий услублар янада сайқал топиб, назмий пластикали ва бўрттирма даражали ёндошувлар етакчилик қилди. Ўз хусусиятига кўра “оҳангдор” шаклу-шамойилларни қамраб олувчи назмий пластикали ёндошувда нафис ҳаракатли тасвирлар маълум қадар рухий ҳаловатни акс эттиради. Масалан, Улаш Уроқовнинг “Ҳаёл” (1992 й),

“Шоир” (1993 й), “Севишганлар” (1996 й), Т. Тожиҳўжаевнинг “Тўлқин бўйлаб ҳаракат” (2002 й), “Донишманд” (2003 й) каби асарларини таъкидлаш мумкин. Бироқ айримлари, жумладан, Ж.Миртожиевнинг “Бобур – ватан соғинчи” (1996 й), “Сайёр Бобур” (2000 й), Т. Тожиҳўжаевнинг “Кураш” (1998) номли асарлари эса ички туғёнли ҳиссиётларни ифодалайди. Кўриниб турганидек, нафақат нозик руҳий лаҳзалар, балки, қалтис кечинмалар ҳам латиф пластик шаклларда талқин этилмоқда. Бу билан, ўзаро зид мазкур ички ҳолатларнинг ҳам асосий маҳзари бир эканлиги фалсафий мушоҳада қилинган.

Жалолиддин Миртожиев тарихий ва портрет асарларида шеърӣй характерга мувофиқ тимсолларни жўшқин ифодавий шаклларда акс эттиради. Улаш Уроқов эса кўпроқ шаклан яхлит тасвирлар бўйича изланиб, уни поэтик руҳ билан суғоришга катта эътибор қаратмоқда. Инсон киёфасини гоҳо ҳайрат, гоҳида эса ишқий лаҳзаларда ифодалаб, мураккаб шакл талқинларидан ҳоли қатор асарлар яратди.

Бўрттирма даражали ҳайкаллар бадий талқинига кўра инсон руҳий оламининг мураккаб ҳолатлари ҳамда ҳаётӣй кўринишга айри кечинмаларни ифодалаш, реалистик мезон раддияси ўлароқ воқеликни пластик жиҳатдан зиёдроқ кўрсатишга асосланди. Хусусан, Қ.Норхўрозовнинг “Ҳайқирик” (1990 й), “Қалб йиғиси” (2001 й), “Қалб садоси” (1994 й), А.Ҳотамовнинг “Сурхондарё гўзали” (2003 й), М.Бородинанинг “Аёл дизайни” (1997 й), “Манекен ҳайкали” (1998 й), “Масхарабозчилар” (1999 й), Т.Ёрқуловнинг “Автопортрет” (1996 й), А.Абраевнинг “Улоқ” (2000 й), А.Алиевнинг “Бибиҳоним” (2006 й) номли ҳайкаллари шулар жумласидан. Булар албатта пластик ҳаракатларнинг ҳиссий ифода кучини бўрттириб кўрсатувчи янги ёндошув сифатида муносиб ўрин тутди. Улар мисолида 1990-йиллар дастгоҳли ҳайкалтарошлигида янги ҳажм хусиятлари ўзлаштирилгани кузатилади. Унинг ўзига хос томони инсон тана тузилиши вобасталигига ҳайрихоҳлик билан бўлса-да, руҳий кечинмаларни бўрттириб тасвирлашдан иборат.

Янги давр дастгоҳли ҳайкалтарошлиги 1990-йилларда асарнинг ғоявий ечимини услубан эркин ёритиш, кўпроқ руҳият оламига эътибор қаратиш, миллий ўзига хос фикр юритиш каби изланишлар ижодий жараёнга хос фазилатга айланди.

Иккинчи даврда, яъни Ўзбекистон Бадий академияси ташкил этилгандан кейинги йилларда умумжаҳон бадий жараёнларининг дастгоҳли ҳайкалтарошликка таъсири кўпроқ сезилди. Соҳада шаклланиши қийин кечаётган замонавий тамойилларни ижодий ўзлаштириш жараёни айни пайтдан ҳаракатга кела бошлади. Чунончи, Республика ва Халқаро Биеннале кўргазмаларини мунтазам ўтказиб борилиши ижодкорлар тафаккурида ўзгаришлар ясаб, янги йўналишларни амалга тадбиқ этишда муҳим аҳамият касб этди. 1990-йиллар бошларидан шу кунга қадар кузатилмаган постмодернистик фикрлаш ва ижодий қўллаш амалиёти кўзга ташланди.

Эндиликда ҳайкалтарошлар орасида ҳам анъанавий ёндошувлар билан бирга, замонавийликка катта эътибор берадиганларини учратиш мумкин бўлмоқда. Масалан, айрим пешқадам ижодкорлар томонидан ташаббускор ёндошувларни илгари сурилиши натижасида замонавий тамойиллар асосида ривожланиш босқичи вужудга келди. Алалхусус, Баёт Мухторов ва унинг шогирдлари ижоди аҳамиятли бўлганлигини таъкидлаш жоиздир. Уларнинг ижоди постмодернизм изланишига яқинлиги билан соҳада алоҳида аҳамият касб этади. Кўргазмали ҳайкалтарошликда янги ашёлар билан ишлаш техникасини жорий қилиб, замонавий ривожланишга мувофиқ натижаларни намоиш этдилар. Масалан, улар анъанавий ҳайкалтарошликка хос бир ёки икки ашёвийликдан фарқли равишда, рангли ойна, смальта, ёғоч, металл ва теридан иборат бир неча материалларни қўлладилар. Б.Мухторовнинг “Қўриқчи қўнғироқлар” (смальта, металл, рангли ойна), “Амударё ҳақида дoston” (смальта, металл, рангли ойна) каби асарлари шулар жумласидан. Динамик хусусиятига кўра серхаракат бўлган мазкур асарлар кучли тазод (контраст) жўрлигида бажарилган.

XXI асрдан жаҳон миқёсида жадал ривожланаётган техник тараққиёт ва маданий ҳаётда содир бўлаётган замонавий бадиий жараёнлар тасвирий санъатда бўлгани каби, ҳайкалтарошликда ҳам янги ёндошувлар кўламини кенгайтди. Умумжаҳон маданияти ва санъатида рўй бераётган глобаллашув жараёни, ахборот алмашинув муносабатларининг жадаллашуви ижодкорлар онгида кескин ўзгаришлар ясади.

Бинобарин, сўнгги йилларда ўтказилган Халқаро Биеннале ва бошқа кўргазмаларда намоиш этилган инсталляция намуналари ҳайкалтарошларнинг бадиий тафаккурини четлаб ўтмади. Аксинча, айрим ижодкорлар фаолиятига сезиларли таъсир кўрсатиб, замонавий тамойилларни кенгайтди. Масалан, 2007-йили бўлган “Констелляция P.S” номли кўргазма лойиҳасида замонавий жараёнда ривожланаётган илғор тамойиллар намоиш этилди. Унда айниқса, ёш ижодкорларнинг чуқур фалсафий мазмундорликка мойил ноанъанавий композиция намуналари асосий ўрин эгаллади. Хусусан, Елена Камбина, Фаруҳ Ахмадалиев, Фанис Яҳмедзянов, Владимир Елизаров, Ўктам Саидовлар шундай пластик қурилмаларни намоиш қилдилар.

2006-йили замонавий санъат марказида бўлиб ўтган “Ўзбекистон ҳайкалтарошлиги 1991-2006” номли кўргазма замонавий дастгоҳли ҳайкалтарошлик ривожи бўйича аниқроқ маълумот берди. Унда профессионал маҳоратга эга бўлган ҳайкалтарошларнинг деярли аксарияти иштирок этиб, тақдим этган асарларида турли ижодий хусусиятлар намоён этилди. Масалан, А.Раҳматуллаев, Ж.Миртожиев, Т.Тожиҳўжаев, У.Мардиев, А.Шаймуродовлар асарларида анъанавий реализм ва айрим эркин шаклий ёндошувлар кузатилса, Қ.Норхўрозов, А.Ҳотамов, У.Уроқов, Т.Тожиҳўжаев, М.Аблоқуловлар ижодида назмий пластик хусусиятлар, шунингдек, М.Бородин, С.Шарипов, Б.Мухторов каби ҳайкалтарошлар эса янги услубда

Ўз имкониятларини очиб бердилар. Кўргазманинг умумий даражаси – дастгоҳли соҳада жанрли ёндошувлар амалиёти ўз салмоғидан тушиб бораётганлиги ва замонавий янги тамойиллар унинг ўрнини тўлдираётганлигини кўрсатмоқда.

1990-йиллар Ўзбекистон дастгоҳли ҳайкалтарошлиги бўйича қуйидаги хулосага келиш мумкин.

- 1990-1996-йилларда портрет асарлар билан бирга, мавзули ҳайкалтарошлик гарчанд анъанавий хусусиятини сақлаб турган бўлсада, бироқ, айрим жиҳатдан янги ёндошувларни ҳам намоён этди. Масалан, назмий пластикали ва бўрттирма даражали услубий ёндошувлар шулар жумласидан. 1997-2005-йиллардан умумжаҳон бадиий жараёнида кечаётган янги ижодий тамойиллар кўзга ташлана бошлади.

- Анъанавий реализм услуби 1970-80-йилларга нисбатан сезиларли даражада сусайиб, мавзули композицияли ва бадиий кинояли услубий ёндошувлар билан уйғунлаша бошлади.

- XXI аср бўсағасидан дастгоҳли ҳайкалтарошликнинг умумжаҳон пластик санъати таъсирида замонавий бадиий жараёнга мойиллиги ортиб борди.

- 1990-йиллар охиридан бирқатор ижодкорларнинг янги, умумжаҳон бадиий кашфиётларига асосланган йўналишга мурожаат этишлари замонавий ҳайкалтарошлик ривожини қувватлади.

## ХУЛОСА

1950-80-йиллар Ўзбекистон ҳайкалтарошлигида иккита асосий босқич кузатилади: биринчиси, 1950-60-йиллардан зухур этган ривожланишнинг бошланиш даври; иккинчиси, 1970-80-йилларга хос ривожланиш даври. Биринчи даврда реалистик мактаб анъаналари миллий ёндошув асосида ўзлаштирилган бўлса-да, бироқ, асарларнинг ички хусусияти соцреалистик ифодавийлиги билан ажралиб туради.

1970-80-йиллардан бошлаб дастгоҳли ва маҳобатли ҳайкалтарошлик тезлик билан ривожланиб, ўзига хос томонларини мустаҳкамлашга киришди. Масалан, дастгоҳли соҳа ижодкорлари эндиликда анъанавий реалистик ёндошувдан ташқари, рангтасвир усталари каби мавҳум композицияли ижодий изланишга интилдilar. Натижада мумтоз тасвирий санъат қонуниятларидан узоқлашган ижодкорлар фаолиятида ўзига хос ранг-баранг услубий ёндошувлар намоён бўлди. Маҳобатли турида мемориал жанр билан бирга айрим тарихий шахслар образи яратилганлигини назарда тутсак, миллий ҳайкалтарошликка маълум қадар янги қадам ташлангани сезилади. Бироқ, бундай асарларнинг бадиий талқини ва шаклу-шамойилида монументал санъатга хос намунавий кўриниш холис ифодасини топиши қийин кечди. Шу каби масалаларга таяниб, 1970-80-йилларда миллий

хайкалтарошлик бўйича ғоявий пластик муаммолар мавжуд бўлганлигини қайд этиш мумкин.

1990-йиллардан янги ижодий имкониятларнинг пайдо бўлиши натижасида миллий хайкалтарошлик мавқеъини мустаҳкамлаш босқичи бошланди. Унинг тарихий аҳамиятга моликлиги шундаки, айти пайтдан аввалги давр ижодий анъаналаридан фарқли равишда, миллий мақомда ривожланиш йўлига ўтилди.

Маҳобатли хайкалтарошлик собиқ иттифоқ санъатининг ижодий-услугий асоратларидан тозаланиб, янги андозавий ривожланишга қувват берувчи ижодий туб янгиланиш даврига юз тутди. Эндиликда кўпмиллатли халқлар санъатига тобе йўналишлар барҳам топиб, биргина миллий йўналиш етакчилик қилди. Бу борада маълум мураккабликларга қарамай, янги натижалар қўлга киритилди. Хусусан, ҳозирга қадар миллий хайкалтарошликда қуйидаги:

- буюк сиймолар шахсини шарафлаш;
- шахидлар номини хотирлаш;
- рамзий композицияли ижодий тамойиллар шаклланди.

Асосан тарихий жанрли хайкаллардан иборат буюк сиймолар шахсини шарафлаш тамойилида бир неча янги ёндошувлар юзага келди. Чунончи, унинг доирасида шаклланган гумбазли, равоқли, ярим айланасимон меъморий воситали ёндошувлар маҳобатли хайкалтарошликнинг янги натижаларидан саналади. Гумбазли хайкалларнинг характерли жиҳати Темурийлар даври меъморлигига хос қовурғасимон мовий гумбаз воситасида миллий муҳитнинг таъсирчан кўринишини гавдалантириш, хайкалга мумтозлик ва салобат бахш этишда кузатилади. Ҳақли равишда бу йўсинли ёдгорликлар – хайкал, меъморий восита, амалий безак санъати<sup>7</sup> комбинацияларидан иборат учликни бир ғоя остида мужассамлаштирувчи бадиий характерга эга бўлди.

Рамзий композицияли ижодий тамойил 1990-йилларда янги даврнинг ғоявий-мафкурасини ифодалашда катта аҳамиятга эга бўли. Мустақиллик майдонидаги “Мустақиллик ва эзгулик арки”, Давлат ва жамият қурилиш академияси биноси ҳовлисидаги “Озодлик” ҳамда “Тошкент герби” асарларини бу борадаги намунали асарлар жумласига киритиш мумкин. Мазкур тамойилли ёдгорликлар анъанавий хайкалларга нисбатан мустақиллик мафкурасини ифодалашда етакчи аҳамият касб этади.

1990-2005-йиллар дастгоҳли хайкалтарошлиги – янги шароитдан ўтиш даври (1990-йиллар сўнгги чорагигача кечган жараёнлар); замонавий янги тамойилларнинг шаклланиш даври (Ўзбекистон Бадиий академияси ташкил этилгандан кейинги йиллар) каби икки даврий характерга ажратилди. Биринчи даврда анъанавий ва композицион мавзули тамойилларнинг янги

---

<sup>7</sup> Меъморий воситаларни наққошлик ва ганҷкорлик билан безатилиши.

ёndoшувлари зухур этди. Масалан, анъанавий тамойил бўйича – портрет, тарихий, мавзули йўналишларда ижод қилинди. Айниқса, мавзули ҳайкалтарошликда ўзига хос ифодавий аҳамият касб этувчи эркин пластикали ёndoшувлар етакчилик қилди.

Иккинчи давр эса замонавий тамойил ривожда қутилган натижаларга бой бўлди. Хусусан, янги бадиий жараёнга қизиқишнинг ортиши натижасида янги ижодий изланишлар кўзга ташланди. Баёт Мухторов ва шогирдлари ижоди бу борада катта аҳамиятга эгадир. Улар 1990-йиллар Ўзбекистон ҳайкалтарошлигида замонавий босқичга хос янги ашёлар билан ишлаш амалиётини ўзлаштирдилар. Устоз шогирдлар ижодида учрайдиган кўп ашёли услубий ёndoшувлар муҳим натижа сифатида эътироф этилиши мумкин.

Диссертацияда ўрганилган масалалар бўйича қуйидаги асосий хулосага келинди.

- 1950-1980-йиллар Ўзбекистон ҳайкалтарошлигида касбий малаканинг ўзлаштирилиши бўйича юқори натижаларга эришилди. Бироқ, соҳа етарли имкониятларга эга бўлса-да, асарларнинг ғоявий пластик ечими собиқ мафкуравий ёndoшув остида бўлгани боис миллий мавқеъини мустаҳкамлашга улгурмади.

- Аввалги босқичда юксак ижодий тажрибалар қўлга киритилиб, миллий ривожланиш бўйича дастлабки пойдеворни шакллантириш даври босиб ўтилди.

- 1990-йилларнинг сиёсий-мафкуравий ҳамда маданий ислохатлари асносида ҳайкалтарошлик ҳам миллий мавқеъини мустаҳкамлаш имкониятини қўлга киритди.

- Қисқа тарихий давр ичида маълум даражада миллий мактаб тажрибаси тўпланди.

- 1990-йиллар дастгоҳли ҳайкалтарошлигида анъанавий услубий ёndoшувлар бир қадар сусайиб, мавзули композицион ёndoшувлар, эркин услубий изланишлар етакчилик қилди.

- XXI аср бўсағасидан дастгоҳли ҳайкалтарошлик умумжаҳон пластик санъати таъсирида замонавий салмоғини оширишга эришди.

- Умуман олганда эса тадқиқотда илгари сурилган янги ижодий босқич дастлабки натижаларга кўра кўзланган мақсадни бера олди.

- Демакки, 1991-2005-йиллар Ўзбекистон ҳайкалтарошлиги миллий ривожланишнинг илк босқичидан ўтиш жараёнида келажак учун керакли пойдеворга эга бўлди. Эндиликда эса унинг ижодий самарадорлигини ошириб бориш янги вазифалар сирасидан ўрин олиши лозим.

## ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН ИШЛАР РЎЙҲАТИ

1. Пўлатов Д. Ўзбекистон ҳайкалтарошлик санъати тарихи // Тасвирий санъат XXI асрда: муаммолар, ечимлар: Республика илмий-амалий конференция материаллари. 23-24 май 2001. – Наманган: НамДУ, 2001. – Б. 28-29.
2. Пўлатов Д. Ҳайкалтарош Равшан Миртожиев // SAN'AT. – Тошкент, 2002. - №2. - Б. 23-25.
3. Пўлатов Д. Минг отлилар юрти санъати // SAN'AT. – Тошкент, 2003. - №3. - Б. 37-38.
4. Пўлатов Д. Бухоро ҳайкалтарошлари // SAN'AT. – Тошкент, 2003. - №4. - Б. 38-39.
5. Пўлатов Д. 1990-йиллар ўзбек дастгоҳли ҳайкалтарошлигининг бадиий жараён хусусиятлари // Ўзбекистон санъати: тарих ва замонавийлик: Ёш олимларнинг илмий-амалий конференция материаллари. 2-3 декабр 2003. – Тошкент: СИТИ, 2003. – Б. 19-21.
6. Пўлатов Д. Мустақиллик даври ҳайкалтарошлиги (ҳайкалтарош Илҳом Жабборов ижоди мисолида) // Гулистон. – Тошкент, 2004. - №2. - Б. 10-11.
7. Пўлатов Д. Янги давр ўзбек маҳобатли ҳайкалтарошлигининг бадиийлик масалалари хусусида // Ўзбекистон санъати: глобаллашув ва миллий ўзига хослик: Ёш олимларнинг илмий-амалий конференцияси материаллари. 20-21 октябр 2004. – Тошкент: СИТИ, 2004. – Б. 13-14.
8. Пўлатов Д. Ҳайкалларга инган ўтмиш шуурлари // Ижтимоий фикр. Инсон ҳуқуқлари. – Тошкент, 2005. - №4. - Б. 170-173.
9. Пўлатов Д. Мустақиллик даври Ўзбекистон ҳайкалтарошлиги ривожини // Янги давр санъати ва санъатшунослиги: Илмий назарий конференция материаллари. 3-4 январ 2007. –Тошкент: СИТИ, 2007. – Б. 87-88 б.
10. Пўлатов Д. Ўзбекистон замонавий дастгоҳли ҳайкалтарошлигида анъанавий тамойиллар ва янги изланишлар // Ўзбекистон санъати: анъана ва ижодий изланишлар: Ёш олимларнинг илмий-амалий конференцияси материаллари. 1-2 декабр 2007. – Тошкент: СИТИ, 2007. – Б. 15-17.
11. Пўлатов Д. Ҳайкалтарош Аҳмад Шаймуродов (Ижодий тараққиёт йўллари) // каталог. – Тошкент, 2007. - Б. 3-10.

Санъатшунослик номзоди илмий даражасига талабгор Пўлатов Дилмурод Саймамутовичнинг 17.00.04 – “Тасвирий ва амалий безак санъати” ихтисослиги бўйича “Ўзбекистон замонавий ҳайкалтарошлигининг ривожланиш тамойиллари” мавзусидаги диссертациясининг

## РЕЗЮМЕСИ

**Таянч сўзлар:** ҳайкалтарошлик, маҳобатли ёдгорлик, дастгоҳли ҳайкал, пластика, ёруғ-соя, шаклу-шамойил, ҳажм, композиция, анъанавий, йўналиш, босқич, бадиий талқин, замонавий, ижодий тамойил, миллий мафкура, услубий ёндошув, қиёфа, сиймо, инсталляция.

**Тадқиқот объекти:** 1990-2005-йиллар Ўзбекистон ҳайкалтарошлигидаги янги ижодий жараёнларнинг ўзига хос хусусиятлари.

**Ишнинг мақсади:** замонавий ҳайкалтарошликнинг бош тамойилларини белгилаш ҳамда ривожланиш муаммоларини илмий ёритишдан иборат.

**Тадқиқот методи:** 1990-йилларда Ўзбекистон ҳудудида ўрнатилган ҳайкаллар миллий мафкура мезони асосида баҳоланди ҳамда тасвирий санъат назариётида шаклланган тизимли ёндошув услубида тадқиқ қилинди.

**Олинган натижалар ва уларнинг янгилиги:** Ўзбекистон ҳайкалтарошлигида 1990-йиллари бошланган ижодий жараёнлар махсус ўрганилиб, бу даврда миллий ҳайкалтарошлик мавқеъи мустаҳкамланиш босқичига ўтганлиги асосланди. Шунингдек, миллий мактаб ривожига доир янги тамойил ва ўзгача ёндошув хусусиятлари илк бор санъатшунослик кесимида аниқланди.

**Амалий аҳамияти:** тадқиқотда ўтказилган илмий кузатув, таҳлил ва замонавий бадиий жараён бўйича чиқарилган хулосалардан соҳа мутахассислари ўзларининг ижодларида амалий фойдаланишлари ҳамда шу асосда миллий ҳайкалтарошлик сифатини оширишлари мумкин. Тадқиқот 1990-йиллар Ўзбекистон тасвирий санъатшунослигида мавжуд маълум бўшлиқни бир қадар тўлдириб, унинг яхлит ҳолатини таъминлашда ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлди.

**Тадбиқ этиш даражаси ва иқтисодий самарадорлиги:** диссертациянинг асосий ғоя ва назарий ҳолатлари чоп этилган 5 та илмий мақола, 6 та илмий-амалий конференция тезислари ҳамда 1 та каталог мақоласи мазмунида эълон қилинди. Пировардида илмий манбаларда махсус ёритилмаган ҳайкалтарошлик жабҳаси ҳам илмий адабиётларда ўз аксини топди.

**Қўлланиш соҳаси:** диссертацияда эришилган натижалардан ушбу соҳанинг галдаги тадқиқотларини бажаришда, шунингдек, махсус ўқув юртларига жорий этилган “Ўзбекистон санъати тарихи”, “Ўзбекистон тасвирий санъати тарихи” каби фанларда қўлланма сифатида фойдаланиш мумкин.

## РЕЗЮМЕ

диссертации Пулатова Дилмурода Саймамутовича на тему “Тенденции развития современной скульптуры Узбекистана” на соискание ученой степени кандидата искусствоведения по специальности 17.00.04 – “Изобразительное и декоративно-прикладное искусство”

**Ключевые слова:** скульптура, монументальный памятник, станковая скульптура, пластика, светотень, форма, объем, композиция, традиционный, направление, этап, художественная интерпретация, современный, творческий принцип, национальная идеология, стилистический подход, вид, образ, инсталляция.

**Объекты исследования:** специфические особенности новых творческих процессов в скульптуре Узбекистана 1990-2005 гг.

**Цель работы:** определение главных тенденций и научное освещение проблем развития современной скульптуры.

**Методы исследования:** памятники скульптуры Узбекистана 1990-х годов изучены в контексте национальной идеологии с использованием метода системного подхода, выработанного в теории изобразительного искусства

**Полученные результаты и их новизна:** на основе специального изучения творческих процессов в современной скульптуре Узбекистана, обосновывается тезис об укреплении позиций национальной скульптуры в этот период. Впервые в искусствоведческом аспекте определены новые творческие тенденции и стилевые направления в развитии национальной школы скульптуры.

**Практическая значимость:** приведённые в рамках исследования научные выводы, анализы и высказанные критические замечания могут быть использованы в практике современных скульпторов и тем самым оказать позитивное влияние на их творчество. Данное исследование заполняя известный пробел в современном искусствоведении Узбекистана, имеет важное значение для ее более полноценного функционирования.

**Степень внедрения и экономическая эффективность:** основные идеи и теоретические положения диссертации нашли отражение в содержании 5 научных статей, 6 тезисов научно-практических конференций и 1 статье к каталогу. В итоге ранее практически неисследованный сегмент изобразительного искусства Узбекистана получил отражение в искусствоведческой литературе.

**Область применения:** полученные результаты могут быть применены в последующих работах в данной области, а также, использованы в процессе подготовки лекционных программ в специальных учебных заведениях по предметам “Изобразительное искусство Узбекистана”, “История искусств Узбекистана”.

## RESUME

Thesis of Pulatov Dilmurod Saymamutovich on the scientific degree  
competition of the candidate of art criticism in speciality  
17.00.04 – «Fine and decorative - applied art»

Subject:

"The tendency of development of modern sculpture of Uzbekistan"

**Key words:** a sculpture, a monumental monument, machinery sculpture, plastic, a treatment of light and shade, the form, volume, a composition, traditional, a direction, a stage, art interpretation, a modern, creative principle, national ideology, the stylistic approach, a kind, an image, installation.

**Objects of the inquiry:** specific features of new creative processes in a sculpture of Uzbekistan 1990-2005 years.

**Aim of the inquiry:** definition of the main tendencies and scientific illumination of problems of development of a modern sculpture.

**Methods of inquiry:** monuments of a sculpture of Uzbekistan 1990-ys. Are investigated in a context of national ideology with use of a method of the system approach developed in the theory of the fine arts.

**The results achieved and their novelty:** on the basis of special studying creative processes in a modern sculpture of Uzbekistan, the thesis about strengthening positions of a national sculpture during this period proves. For the first time in art criticism aspect new creative tendencies and style directions in development of national school of a sculpture are determined.

**Practical value:** scientific conclusions carried out within the limits of research, analyses and the stated critical remarks can be used in practice of modern sculptors and by that to render positive influence on their creativity. The given research filling a known blank in modern art criticism of Uzbekistan has great value for its more high-grade functioning.

**Degree of embed and economic effectivity:** the basic ideas and theoretical positions of the dissertation have found reflection in the contents of 5 scientific articles, 6 theses of scientifically-practical conferences and 1 article to the catalogue. As a result earlier practically not investigated segment of the fine arts of Uzbekistan has received reflection in the art criticism literature.

**Sphere of usage:** the received results can be applied in the subsequent works in the given area, and also, are used during preparation of lecture programs in special educational institutions in subjects «History of the fine arts in Uzbekistan», «History of the arts in Uzbekistan ».